Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 21-may, seshanba № 62 (3255)

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Шашт ҳам, жозиба ҳам бор

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти совриси учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнир зўр кўтаринки руҳда ўтди.

Мамлакатимиз жанубидаги жавоҳир шаҳар, қадимда ҳам туғи баланд эрлар юрти деб эътироф этилган Термиз оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўча-хиёбонлар чароғон. Ўн минг томошабинга мўлжалланган «Сурхон» спорт мажмуаси меҳмонлар ва кураш ишқибозлари билан лиммо-лим.

Ўйингоҳ узра кураш ишқибозларининг чорлови янграйди. Майдонга 40 дан ортиқ давлатнинг 150 дан зиёд ор талашмоқни жазм этган алплари кириб келади.

Сурхондарё вилоят ҳокими Н. Чориев Ўзбекистон Республикаси Президенти совриси учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XI халқаро турнирни очиқ деб эълон қилади.

Қадим ва шон-шавкатли кураш ватани Термиз шаҳрига келган меҳмон ва мезбонларни Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов қизғин табриклади.

«Сурхон» спорт мажмуаси узра юртимиз мадҳияси янграйди. Давлат байроғи кўтарилади. Сўнгра, севимли санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.



Беш қитъани ҳаяжонлантирган шаҳар

Туронзамин 3-4 минг йиллардан буён ўзининг арслон ёлли полвонлари, баҳодир ўғлонлари билан довруғ қозонган. Тарих гувоҳ, шу кунларимизга қадар полвонлар силсиласи узилмаган, аксинча, бу занжир тобора мустаҳкамланиб бораётир.

Термизда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган турнир курашни тўйлар томошасидан профессионал спорт турига айлантирди. Халқаро аренага олиб чиқди. Шу тариқа ўзбек кураши ўзининг жозибаси, бетакрор усуллари, ҳалол тамойиллари билан ўнлаб, юзлаб мамлакатларнинг полвонларини ҳамда мухлисларини маҳлиё қилди.

Нуфузли турнирларда ғолиблик учун давра айланган грузиялик Давид Хохолашвили ўзбек полвонларининг панжасини шернинг панжасига ўхшатгани ҳам бежиз эмас. Туркиянинг довруғ тратган полвони Селим Татар ўғли шундай деганди: — Ўзбек полвонларининг юраги арслонникидек!

Бразилияда «Олмос панжа» деб ном қозонган Александр Капураги ўзбекистонлик Баҳром Авазов, Ўткир Қурбонов, Эрали Маҳмарасулов, Шуҳрат Хўжаевларнинг давра айланишидан завқланиб, Алпомиш деганлари афсона эмас экан-ку, дея ҳайратини изҳор қилгани ҳам бор ҳақиқат.

***

Анъанага кўра, мазкур турнир кураш бўйича фахрий мураббий Алимардон полвон Валиев, фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони Қўлдош полвон Худойқуловни ҳамда кураш мактабида таълим олаётган бўлажак полвонларнинг кўргазмали чиқиши билан бошланди. **Фурсатдан фойдаланиб, Қўлдош полвон Худойқуловни суҳбатга тортдик:**

— Кураш билан 1955 йилдан шуғулланаман. Полвонлик авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётир. Унинг хислатлари халқимиз қалбида минг йиллардан буён чечак очиб келаётган «Алпомиш» достонида жуда яхши тасвирлаб берилган. Мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек кураши дунёга танилди. Келажакдаги натижалар янада юксак бўлишига ишончим катта.

Фахрий мураббий Алимардон полвон Валиев:

— Президентимиз ёшларга, жумладан, вояга етаётган полвонларга катта ишонч билдириб, миллий курашимизни янада юксалтириш юзасидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётир. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий усулда жиҳозланган болалар спорти иншоотлари барпо этилиб, барча шарт-шароит яратилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар биз кекса авлод вакилларида ёш полвонларни миллий қадриятларимизга хос тарбиялаб, уларнинг маҳоратини янада оширишга рағбат уйғотмоқда.

Дастлаб гиламга 66 кг. ва 81 кг. вазн тоифаларидаги полвонлар чиқишди. Мазкур беллашувларни туркманистонлик полвонлар Агаҳан Жўраев ва Ғайратжон Эрипов бошлаб берди. А.Жўраев рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ярим финал беллашувларида ғолиб бўлган ҳамюртимиз Шаҳобиддин Лутфуллаевнинг чапдастлиги, унинг кураш сирларини мукаммал ўзлаштиргани яна бир бор тасдиқдан ўтди. Финалда у қозоғистонлик Ирисқул Абдураззоқов билан рўпара келди. Мухлислар олқишидан куч олган Шаҳобиддин рақибини чилга олди ва ғолиб бўлди.

81 кг. вазндаги полвонлар ҳам мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Айниқса, қозоғистонлик Ўлжас Кенакханов, конголик Гаудард Папана каби полвонларнинг чиқишлари ишқибозлар томонидан илиқ кутиб олинди. Бу вазндаги полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Бекзод Турабоев ҳам финалга етиб келди. Ва омад унга кулиб боқди. У ўнг оёғи билан Ўлжас полвонга чил берди. Ғалаба!

Алпомиш афсона эмас

Кураш ишқибозлари интиқиб кутган дамлар етиб келди. Беш қитъага овоза бўлган, кураш ҳадисини олган баҳодирлар мутлақ ғолиблик учун майдонга тушдилар. Улар орасида ҳамюртимиз Самижон Убайдуллаев ўзини кўрсатди. У барча беллашувларда рақибларини доғда қолдириб, финал мусобақасигача етиб келди. Иккинчи гуруҳдан чиройли кураш тушиб довруғ солган тожикистонлик Парвис Собиров финал иштирокчисига айланди.

Ҳамма ҳаяжонда. Мухлислар ҳам, биз ҳам Самижоннинг ғолиб бўлишини хоҳлардик, албатта. Курашнинг ашаддий ишқибози 80 ёшни қаршилаётган оқсоқол **Файзи бобо Маматмуродов** шундай деди:

— Сўнгги жанг ҳамиша оғир кечади. Ўзини қўлга олган полвонгагина омад кулиб боқади.

Отахон сўзини тугатар-тугатмас ўйинғоҳ узра мухлисларнинг «Самижон, отангга балли!» деган олқишлари янгради.

Турнир якунида вазнлар бўйича совринли ўринларни қўлга киритган полвонлар тақдирланди.

Турнирнинг мутлақ ғолиби Самижон Убайдуллаевга Ўзбекистон Республикаси Президенти совриси — 10 минг АҚШ доллари топширилди.

(Давоми 4-саҳифада).

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида ялпи ишлаб чиқарилаётган ички маҳсулотнинг 57,5 фоизи хусусий корхоналар ҳисобига тўғри келмоқда. Анъанавий ҳудудий кооперацион савдо ярмаркасида саноат корхоналари маҳсулотлари намойиш этилди.

АНЪАНАВИЙ ЯРМАРКА

— Ярмаркада 50 тонна хом ашё харид қилиш юзасидан ҳамкор корхоналар билан шартнома имзоладим, — дейди «For-TEX» хусусий фирмаси раҳбари С.Синдаров. — Шунингдек, маҳсулотларимизга ҳам кўплаб харидорлар топилди.

Қувонарлиси, вилоятда сўнгги йилларда ўнга яқин импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръати ўсиши баробарида ноанъанавий маҳсулотлар тури ортаяпти. Аккумулятор, лак-бўёқ каби турдаги маҳсулотлар хом ашёсини шу ернинг ўзида олиш имконияти яратилди.

Ярмаркада 152 та тадбиркорлик субъекти 650 турдаги маҳсулоти билан қатнашди.

Ўз мухбиримиз

НАМАНГАН

Наманган давлат университетида ўзбек тили (умумкасбий фанлар) бўйича талабалар Республика фан олимпиадасининг II босқичи ўтказилди. Унда турли олий ўқув юртларидан келган 16 нафар талаба иштирок этди.

II БОСҚИЧ ЎТКАЗИЛДИ

Қатнашчилар 4 босқичли синовларда ғолиблик учун курашди. Натижага кўра, биринчи ўринни Наманган давлат университети талабаси Шаҳноза Ҳабибова, иккинчи ўринни Қўқон давлат педагогика институти вакиласи Гаяне Тевосян, учинчи ўринни ЎзДЖТУ талабаси Дмитрий Ким эгаллади. Ғолиб ва барча қатнашчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

МАВСУМ ОЛДИДАН

«Соғлом танда — соғ ақл» мақоли болаликдан қулоғимизга ўрнашиб қолган. Бу иборага, айниқса, ёзги соғломлаштириш мавсумида кўп дуч келамиз. Оромгоҳлар шу тамойил асосида иш кўришини ҳам яхши биламиз. Аммо давр талаби асосида оромгоҳлар фаолиятига ўзгача ёндашув кириб келди. Энди оромгоҳларга (у хоҳ стационар, хоҳ кундузги бўлсин) боланинг жисмоний ҳордиқ чиқаришигина эмас, маънавий кучга тўлиши, тафаккури кенгайишини мақсад қилиб ишлаш масъулияти юклатилган. Жорий йилда оромгоҳда ишловчи кадрларга бўлган талабнинг кучаяётгани ҳам шундан.

Барча эзгулик — болаларга

Куни кеча Косонсой туманида жойлашган «Соҳил» оромгоҳида бўлиб ўтган кўргазмали ўқув-семинарда шу каби масалалар юзасидан кенгашиб олинди.

Семинарда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда тегишли ҳамкор ташкилотлар вакиллари, вилоятда мавжуд оромгоҳлар масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари фаоллари иштирок этишди.

Даставвал, иштирокчилар намунали тарзда жиҳозланган ва тегишли инвентарлар билан тўла таъминланган, мавсумга шай ҳолатга келтирилган «Соҳил» оромгоҳи билан яқиндан танишишди. Шундан сўнг, семинарнинг амалий қисмига ўтилди.

* * *

— Вилоятда жорий йилда 96 та оромгоҳ, яъни 9 та стационар, 87 та кундузги оромгоҳ фаолият юритади, — дейди Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари, вилоят КУТБ кенгаши раиси З.Маҳкамова. — Стационар оромгоҳларда мавсум давомида 5420 нафар болажонни дам олдириш учун ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 210,3 млн., касаба уюшма маблағидан 151,4 млн., кундузги оромгоҳларда 11310 нафар болани дам олдириш учун ҳомийлар ҳисобидан 565,5 млн. сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада).

«Саломатлик» поезди чекка ҳудудларда

18 май эрталаб «Тошкент» вокзалидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК биргаликда ташкил этиб келаётган «Саломатлик» поезди навбатдаги сафарга йўл олди.



Чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш мақсадида Тошкент — Сариосиё — Қумқўрғон — Бойсун — Оқработ — Деҳқонобод — Тошкент йўналишида ҳаракатланувчи «Саломатлик» поезди учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан махсус вагонлар ажратилди. Ушбу манзилларда юқори малакали шифокорлар гуруҳи томонидан жамғарманинг жойлардаги ҳудудий Тиббий ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари билан биргаликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди. Хайрия акцияси давомида аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларига қиймати 287,5 минг АҚШ доллари ва 42,5 миллион сўмга тенг инсонпарварлик юклари (500 дона озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат пакетлар, оёқ кийимлари, дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ва бошқалар)дан иборат мурувват ёрдами тарқатилади.

Мазкур поезд бориши кўзда тутилган станцияларга яқин ҳудудлардан ташқари жамғарманинг ушбу вилоятлардаги филиаллари автоамбуланс машинаси орқали барча «Мурувват», «Меҳрибонлик», «Саховат» уйлари, шу билан бирга, марказий шифохоналар, вилоят болалар туғруқ комплексларига ҳамда кўзи ожиз, ақли заиф ва кар-соқов болалар махсус мактаб интернатларига ёрдам кўрсатилади.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури бўйича бундан олдин Навоий вилоятига шундай кўмак уюштирилганди, — дейди жамғарманинг оналик ва болалик бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Бу галги «Саломатлик» поезди орқали бир ҳафта давомида чекка ҳудудларда аҳолига тиббий ҳамда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан бирга, шу жойнинг ўзида беморларни соғломлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Жумладан, малакали мутахассислар томонидан ногирон болалар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, жойларда махсус муассасалар, ёрдамчи мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига мурувват ёрдамларини топшириш, қолаверса, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи учрашувлар ташкил этилади.

Ушбу тадбирга «Амери Керз», «Томс Шутс» «Каунтерпарт», «Jurabek laboratories» МЧЖ, ОАЖ «Novopharma plus» қўшма корхонаси, «Дори-дармон» АК, ОАЖ «Нестле-Ўзбекистон» қўшма корхонаси, МЧЖ «NOBEL-PHARMSANOAT», «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва бошқа ташкилотлар ҳомийлик қилмоқда.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Ishonch
2013-yil 21-may № 62 (3255)

Барча эзгулик — болаларга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айтиш ўринлики, «Соҳил»-даги қулайликни вилоятдаги деярли барча оромгоҳда учратиш мумкин. Меҳнат ва изланишлар натижасида навқирон авлоднинг бу галги ёзи ҳам сермазмун ўтиши кафолатланган. Хусусан, Уйчи туманидаги 220 ўринли «Ҳумо» оромгоҳида 660 нафар болани дам олдириш мўлжалланган. Мавсумга тайёргарлик жараёнида оромгоҳ ётоқхоналарининг томи тўла таъмирдан чиқарилди. Косонсой туманидаги «Олмазор» оромгоҳининг ҳам атрофи тўлиқ ўралиб, кўпгина хизмат кўрсатувчи объектлар тўла таъмирланди. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозларнинг қисман эскирганлари янгиланди. Поп туманидаги «Офтобча» оромгоҳида эса ёзги мавсумда 720 нафар болани дам олдириш режалаштирилган бўлиб, бу ерда ҳам қатор объектлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.

Шунингдек, Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга мувофиқ Янгиқўрғон туманидаги «Камалак» оромгоҳини капитал таъмирлаш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши томонидан 1,5 млрд. сўм ажратилди. Масканда Янгиқўрғон қурилиш-монтаж хусусий корхонаси томонидан капитал таъмирлаш ишлари якунланаяпти. Янгича қиёфа касб этувчи мазкур оромгоҳда 1105 нафар болажон ҳордиқ чиқаради.

— Жорий йилда вилоятдаги стационар ҳамда кундузги оромгоҳлар раҳбар ва ходимлари Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепциясида белгилаб берилган талаблар асосида шакллантирилган, — дея маълумот беради вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Хайрулло Абдураҳмонов. — Айнан шу мақсадни кўзлаб, вилоят халқ таълими бошқармасида стационар оромгоҳлардаги 141 нафар ҳамда мактаблар ва коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларда ишловчи 635 нафар педагог ходим учун ўқув-семинар ўтказилди. Стационар оромгоҳларни 20 минг донадан ортиқ бадиий адабиёт билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу борада ҳар бир оромгоҳга ахборот-ресурс марказлари бириктирилган.

Бундан ташқари, соғломлаштириш ва санитария-гигиена ишларининг ўтган йилги якуни ҳамда 2013 йилда бу ишларни ташкил этиш, дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан қўйиладиган вазифалар тўғрисида вилоят санитария-эпидемиология маркази бўлим мудири Гавҳар Нишонова семинар иштирокчиларига батафсил маълумот берди.

Кўргазмали ўқув-семинарда иштирокчиларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан миллий ғурур-ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини тараннум этувчи дисклар тўплами, услубий қўлланмалар етказиб берилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири


Қизилтепа туманида оромгоҳларни ёзги соғломлаштириш мавсумига ҳозирлаш ишлари ниҳояланмоқда. Ҳудудда жойлашган «Қизилтепа ун заводи» АЖ тасарруфидаги «Дўстлик» оромгоҳида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари учун жамиятимиз томонидан 20 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, тайёргарлик ҳар жиҳатдан пухта бўлиши учун ҳомий ташкилотлар ҳам четда тургани йўқ.

Дам олувчиларга мунтазир

Қарийб 4 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳнинг бугунги жамолидан диллар яйрайди. Катта сузиш ҳавзаси, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун соя-салқин масканлар, спорт ва чиниқиш майдонлари болажонларга мунтазир. Масканга олиб борувчи йўл янгитдан асфалтланди.

Ўғил-қизларга етакчилик, тарбиячилик қилиш кимнинг зиммасига тушаётгани ғоятда муҳим. Шу сабабдан ҳар бир гуруҳ учун жонкуяр ва билимдон кадрларни саралаб олдик. Бундан ташқари, мутасадди муассасалар ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирлар таъсирчанлиги хусусида ҳам аниқ чораларни белгилаб олганмиз.

Мансур РАМАЗОНОВ,
«Қизилтепа ун заводи» ОАЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси



Улуғнорлик тадбиркор Файзулла Мадраҳимов мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, мавжуд имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда жорий йил бошида «Сарвар сут гўшт савдо харид» хусусий корхонаси ташкил қилиб, 7 нафар оила аъзосини иш билан таъминлаган эди.

Айни вақтда оилавий корхонада замонавий технология ёрдамида сут қайта ишланмоқда. Тайёр творог, сметана, қатиқ, қуйилтирилган сут, музқаймоқ каби етти турдаги маҳсулот хушторлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Суратда: корхона ишчилари Насибилло Мадраҳимов ва Гавҳарой Мадраҳимова.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат

ФАОЛИЯТ

Коллежимизда 1700 дан зиёд талаба таълим олади. Жорий йилда ушбу масканда таҳсил олаётган З. Муҳаммадиброҳимова касаба уюшмасининг стипендиясини олишга муваффақ бўлди. У коллеж касаба уюшма ташкилоти ишини ташкил этишда фаол иштирокчи ҳисобланади.

Юрган дарё

Касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан яқинда Андижон шаҳрига саёҳат ташкил этилиб, 30 нафар фаол ўқувчи ва ўқитувчилар Боғишамолдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рамзий қабрини зиёрат қилиб қайтишди. Шу билан бирга, улар Андижон шаҳри ўлкашунослик музейида бўлиб, вилоят тарихи билан яқиндан танишишди.

Марҳум ҳамкасбларимиз хотирасига бағишлаб ташкил этилган хотира турнирига уларнинг оила аъзолари ҳам таклиф қилинди. Ўтганларнинг хотираси ёдга олинди. Коллеждаги ўқитувчи ва ишчи-ходим аёллар жамоалари ўртасида волейбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Р. ИННАТУЛЛАЕВ,
Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

БОШЛАНҒИЧЛАР ҲАЁТИДАН

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нишон тумани кенгашига 68 та бошланғич ташкилот бирлашган бўлиб, 5074 нафар аъзоси бор. Нуристон шаҳарчасида жойлашган 35-умумтаълим мактабидаги шароит билан танишар эканмиз, ҳавас қиларли таълим муассасаларидан бири эканига гувоҳ бўлдик.



Нуристондаги зиё маскани

2006 йил «Шўртангазкимё» мажмуаси ҳомийлигида қурилган зиё масканида 1137 нафар ўқувчи таҳсил олади. Касабақўм Шуҳрат Ғофуров педагоглар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, улар фарзандларини соғломлаштириш бўйича етарли тажрибага эга. Малакали рус тили фани ўқитувчисининг бошланғич ташкилот раиси бўлганига беш йилдан ошди.

— Мактабимизда чуқур билим олиш учун барча имконият яратилган, — деди касабақўм раиси. — Ҳар бир фан бўйича синф хоналари кўргазмали стендлар, ўқув қуроллари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Етакчи ҳамкорлигида синф хоналарни айландик. Лингафон хонасида ўқувчилар инглиз тилидан сабоқ олишаётган экан. Уларнинг инглизчада эркин сўзлашиши дарс самарадорлигини тасдиқлаётгандек туюлади. География, рус тили, она тили ва адабиёт хоналарида ўтилаётган дарслар эса ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижодкорлик қобилиятини ўстиришга кўмак бермоқда.

— Устозларнинг самарали меҳнати эвазига ўқувчиларимиз Фан олимпиадалари ҳамда Билимлар беллашувларида яхши натижаларни қўлга киритишяпти, — дея изоҳ берди Шуҳрат Ғофуров. — Ўтган йили Вазира Нуриддинова ҳамда Аббос Саломов Билимлар беллашувининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, Тошкент вилоятидаги «Қуёшли» интеллектуал оромгоҳида имтиёзли дам олиб келишди.

Алоҳида бинода жойлашган Ахборот-ресурс маркази таассуротимизни янада бойитди. Иккита хона компютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бир ўқувчи компютерда устози кўрсатмаларини бажариш билан машғул. Кутубхонада бир неча бўлим ташкил этилган бўлиб, излаган адабиётингизни осон топиш имкони бор. Турли энциклопедия ва луғатлар бурчаги ҳам мавжуд.

— Мактабимизда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган, — деди касабақўм. — Педагогларимиз халқ таълими ходимлари ўртасида ўтадиган спорт тадбирларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Бадиий гимнастикачи қизларимиз ҳақида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Барно Мардаева шогирдлари туман миқёсида ўтадиган байрам тадбирларига ўз чиқишлари билан файз бағишлайди. Бундан ташқари, волейбол, баскетбол ва мини футболга мўлжалланган спорт залида ҳар хил мусобақалар ўтказиб турамиз.

Мусиқа тўгараги ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Ҳомийлар ёрдамида турли чолғу асбоблари билан жиҳозланган тўгаракка санъат ихлосмандлари жамланган...

— Қувончлиси, — деди суҳбатдошимиз, — мактабимизда «Касаба уюшма боғи» ташкил этилган. У ерда эртапишар гилос, бодом, анор, нок, испан қаролиси, ўрик, олма, ток кўчатлари экилган. Гултувакларда лимон ўстириляпти. Бу йил лимонарийга кўчат қилиб ўтказамиз.

Жамоамиз аҳил. Мактабимиз директори Абдулла Эшонқулов ўзи намуна бўлиб, барчани ишга сидқидилдан ёндашишни талаб қилади. Жорий йил бошида мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси биргаликда икки гектар ерда «Устозлар боғи»ни яратдик. Яхши ният билан олма, анор, тут, терак ва бошқа дарахт ниҳоллари қадалди. Оралиқ экин сифатида полиз экинлари ва беда экилди.

Бундан ташқари, қуён боқиш учун жой ҳозирланмоқда. Музқаймоқ цехи, ўқув қуроллари дўкони ишлаб турибди. «Кимёгар» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

— Мактаб нафақат туманда, балки вилоятимизда ҳам кўзга кўринган зиё масканларидан, — деди тармоқ касаба уюшмаси Нишон туман кенгаши раиси Шомали Файзуллаев. — 2011 йилда «Йил мактаби» республика кўрик-танловида «Ахборот технологиялари» номинацияси ғолиби бўлди. Ўйлайманки, мактабнинг улкан ютуқлари ҳали олдинда...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Рағбат боиси

Хўжалигимиз пиллачилик, ғаллакорлик ва пахтачиликдан мўл ҳосил етиштириб келади. Ўтган йили умумий даромадимиз 120 млн. сўмдан ошди. Чунончи, 32 гектар майдонда ғўза ўстириб, ҳар гектаридан 50 центрдан ортиқ пахта олдик.

Амалдаги йилда фермер хўжалиги аъзолари 70,6 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Айни пайтда 10 қути ипак қурти ҳам парваришланяпти. 36,8 гектар ерга экилган ғалла ривожи кишининг ҳавасини келтиради. 32 гектар майдонда ғўза ўсаяпти. Бу ишларда 24 нафар касаба уюшма аъзоси жонбозлик кўрсатмоқда.

Деҳқон меҳнатидан рағбат кўрса, ғайратига ғайрат қўшилади. Фермер хўжалиги маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган жамоа шартномасига асосан байрамларда ҳар бир ишчи совғалар, имкониятдан келиб чиқиб, пул мукофоти билан рағбатлантирилмоқда. Ишчилар иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Механизатор ва сувчиларимиз, ҳатто чопиқчи қизларимиз ҳам махсус кийим ва иш қуроллари билан таъминланган.

Бу йилги даромадимиз ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчиларимиздан бирига намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уйлардан олиб беришни режалаштирганмиз.

Ш.МАҲМУДОВ,
Жарқўрғон туманидаги «Ҳамдўстлик минор» фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ



Қулай меҳнат шароити яратиш, ходим соғлиги, ҳаётини муҳофаза қилиш бўйича жамоа шартномаларига алоҳида бандлар киритилган. Мулкчилик муносабатлари тобора ўзгариб бораётган шароитда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳаёти ва хавфсизлиги доимо диққат марказимизда бўлиши лозим.

Хатарсиз шароит кафолати

Вилоятда 1174 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда 201950 нафар аъзо мавжуд. Ходимларга қулай меҳнат шароити яратиш мақсадида корхона ва ташкилотларда бўлиб, бу борадаги аҳволни ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз. Маълумотларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг 1-чорагида бирлашма ҳамда тармоқ касаба уюшмалари томонидан 50 та меҳнат жамоасидаги шарт-шароит ўрганилди. Текшириш натижасига кўра, айнан меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан бошланғич ташкилотларга 8 та тақдимнома киритилди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилалардан 37 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича 3 босқичли маъмурий-жамоат назорати ҳам йўлга қўйилган. Бундай корхоналар 45 тани ташкил этади. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 1091 нафар вакил сайланган бўлиб, улардан 210 нафари ўқитилди.

Чори ҚОДИРОВ,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа мактабида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Истеъдод намойиши

Танловда таълим, фан ва маданият ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, «Камолот» ЁИҲ, туман Қизил Ярим Ой жамияти ходимларидан иборат 46 нафар ҳаваскор анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақси ижрочилиги йўналишларида маҳоратини намойиш этди.



Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, 589-МТМ тарбиячиси Зулфия Нурмуҳамедова (якка рақс ижрочилиги), 305-МТМ тарбиячиси Нигора Каримова (эстрада қўшиқчилиги), 301-мактабнинг оилавий ансамбли (жамоа йўналишида чолғу ижрочилиги), 267-мактаб ўқитувчиси Мавжуда Абдуллаева (анъанавий ижрочилик), 292-МТМ ходимлари (жамоа рақси) йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

— Танлов ҳақиқий истеъдод соҳибларини кашф этди десам, янглишмаган бўламан, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сергели туман кенгаши раиси Феруза Ражапова. — Ҳар бир чиқишда ўзига хос ижро маҳорати сезилиб турди. Шунинг учун ҳам иштирокчиларни баҳолаш осон бўлмади. Ғолиблар танловнинг шаҳар босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишади, деган умиддаман.

— Тадбир чин маънода истеъдодлилар майдонига айланди, — дейди 267-мактаб ўқитувчиси Мавжуда Абдуллаева. — Мен «Фарғонача жонон» қўшиғини ижро этиб, анъанавий ижрочилик йўналишида ғолибликни қўлга киритдим. Ушбу танловни уюштирган ташкилотчиларга миннатдорлигимни билдираман.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЭҲТИРОМ

Бундай инсонга ҳавас қилмай бўладими?! Ахир, 80 ёшида ҳам миллий ҳунармандчилигимиз ривожи йўлида хизмат қилиб, шогирдлари ардоғида бўлиш, боз устига машина рулини бошқариб юриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. «Аллоҳ ҳунарманд кишиларни севади» дейилади ҳадисларда. Шундай инсонлар ҳаётимизнинг чин маънодаги безагидир.

Ёркин ижод соҳиби



* * *

Миллий санъат марказида Фонд Форум, «IJOD» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида академик, Ўзбекистон халқ рассоми, ёғоч ўймакорлиги устаси Ортиқ Файзуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ижодий кеча ўтказилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нур, Республика «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Муҳаммадюсуф Қурбонов, Низомий номли педагогика университети амалий санъат кафедраси мудири Саидахбор Булатов ва устанинг кўплаб яқинлари, шогирдлари самимий фикрларини айтиб, эсдалик совғаларини топширишди.

Қаҳрамон Валиев, «IJOD» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси аъзоси:

— Мен устозим Ортиқ Файзуллаевга саксонинчи йилларда, яъни саккизинчи синфда ўқиётганимда шогирд тушганман. Устадан қанчадан-қанча сабоқлар олдим. Ҳеч бир ишни у кишининг маслаҳатисиз қилмадик. Алал-оқибат, 2011 йил «Халқ устаси» унвонини олдим. Япониядаги «ЭКСПО — 2005» ва кўплаб кўргазмаларда иштирок этдим. Ҳозирда ўзимнинг алоҳида устахонам, ўндан зиёд шогирдларим бор. Буларнинг барчаси устознинг ўгитлари шарофатидан.

* * *

Юбилейга совға сифатида Зангиота тумани, Муҳаммаджон Фозилов номидаги маҳаллада жойлашган устахонага қуёш батареяси ўрнатилди. Бу ёш ҳунармандларга ёғоч ўймакорлиги сир-асрорини ўргатиш учун мактаб очишга имкон яратди. 2013 йилнинг март ойида «Bazar-Art. Баҳор» кўргазма-ярмаркасида Фонд Форум ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигидаги «Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси доирасида Ортиқ Файзуллаевга грант тақдим этилди.

Ёғоч ўймакорлиги безакларининг юзлаб намуналари муаллифи, кўплаб моҳир устаҳунармандларни етиштирган Ортиқ Файзуллаев ҳақли равишда Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг етакчиси сифатида тан олинган. Унинг 2010 йил Миллий санъат марказида ўтказилган «Абадият дарахти. О.Файзуллаев ва унинг шогирдлари» номли кўргазмаси ҳам бунга яққол гувоҳлик беради.

Устанинг ғайрат-шижоати, узоқ йиллик сермаҳсул ижоди, инсонийлик фазилатлари ва меҳнатсеварлиги кишини ҳайратлантиради. О.Файзуллаев ёғоч ўймакорлигининг барча йўналишлари бўйича энг яхши мутахассис, ёғочга безак беришда энг мураккаб усулларнинг моҳир ижодкори ҳисобланади. У алоҳида ёғоч бўлакларидан елим ва михларсиз кесишмаси бир сантиметрдан ошмайдиган панжара ясашнинг сирларини пухта эгаллаган, анъанавий ёғоч ўймакорлиги безакларининг бутун жозибасини кўрсатиб бера оладиган саноқли ўймакор усталардан. Устанинг бир қарашда оддий кўринган ишлари аниқ математик ҳисоб-китоб ва заргарона нафислик асосида бунёд этилганлигини кўриш мумкин.

— Доим шогирдларимга кўп асрлик анъаналарни ўзгартирмаслик кераклигини уқтириб келаман. Агар ўзингиздан қандайдир янгилик қўшмоқчи бўлсангиз, уни албатта, анъаналар билан уйғунлаштиринг, дея таъкидлайман, — дейди уста.

Шогирдлари орасидан аллақачон устозлик мартабасига эришган ўнлаб усталарни санаш мумкин. Сирожиддин Раҳматуллаев, Акмал Азларов, Ғуломжон Йўлдошев, Қаҳрамон Валиев, Бахтиёр Раҳимов, Комил Турдиқулов, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган бошқа кўплаб усталар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида қурилиш ишлари ривожланиши билан ёғоч ўймакорлиги санъатига меъморий безак сифатида талаб кучайди. О. Файзуллаев бир гуруҳ шогирдлари билан пойтахтимизнинг кўплаб катта меъморий лойиҳаларида иштирок этди. Улар орасида «Ўзбекистон» форумлар саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Миллий либослар галереяси ва бошқалар бор.

Ортиқ Файзуллаев Фонд Форумнинг «Вагаг-Art» безакли амалий санъат кўргазма-ярмаркасининг доимий иштирокчиси ва «Тошкент ёғоч ўймакорлик мактабини сақлаб қолгани ва ривожлантиргани учун» номинацияси лауреатидир. Унинг шогирдлари кўргазманинг «Ёғоч ўймакорлиги устаси» номинациясида ғолиби бўлишган.

Ушбу мақола чоп этишга тайёрланаётган пайтда, ажойиб хушхабар тарқалди. Ўзбекистон Бадиий академияси Ортиқ Файзуллаевнинг номзодини «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи биносидаги «Баҳор қуёши» номли ёғоч ўймакорлиги асарлари тўплами (маҳобатли нақшинкор эшиклар тўплами) учун Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича 2013 йилда бериладиган Давлат мукофотига тавсия этди.

Санъат ўз фидойисини ҳамиша сийлайди, деганлари шу бўлса керак-да.

Комила СУННАТ қизи

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар ва истиқболдаги режалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт муассасалари, скрининг, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари олимлари, туғруқ мажмуалари шифокорлари иштирок этди.

Очиқ мулоқот руҳида

Вазирлик етакчи мутахассисларининг тадбир аввалида билдирган фикрига кўра, анъанавий тарзда ўтказилаётган матбуот анжуманлари шунчаки ҳисобот учун эмас, балки соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси халқимиз ҳаётида қай даражада акс этаётганини билиш, тиббиётда эришилаётган ютуқлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш баробарида тизим фаолиятида айрим камчилик ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан зарур чоратадбирлар белгилашга хизмат қилмоқда.

Журналистларга бугунги кунда тиббиётимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган скрининг ва перинатал марказларининг салоҳияти, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий марказлари ва уларнинг қуйи тизимлари моддий-техника базаси, имкониятлари ва фаолиятига оид маълумотлар тақдим этилиб, эришилган натижалар таҳлил қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириб келмоқда.

Ушбу декларация саккизта эзгу мақсадни ўз ичига олади. Энг қувончлиси, мамлакатимизда 2015 йилгача мўлжалланган мазкур тарихий декларация мажбуриятларининг аксарият қисмини ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб бўлинди.

— Оналик ва болаликни муҳофазалаш доирасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида мамлакатимизда мустақиллик йиллари оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи 3 бараварга камайди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нафақат МДҲ давлатлари орасида, балки дунёнинг етакчи мамлакатлари сафида ҳам юқори ўрин эгаллайди, — деди соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишларни тизимли асосда ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Маълумотларга кўра, 2005 йил мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 63 фоиздан ошди. 92 фоиз ўғил ва қиз болаларда бўй ва вазн кўрсаткичлари Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келмоқда.

Анжуманда аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик соҳадаги изчил ислоҳотларнинг самарасини таъминлайдиган омиллардан бири эканлигига урғу берилиб, бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Хизмат, сифат, ишонч

Банкларни иқтисодиётнинг энг муҳим бўғини деб аташ мумкин. Чунки, қайси соҳани олиб қараманг, бевосита уни ривожлантириш ва йўлга қўйиш учун молия муассасалари мададига таянишга тўғри келади.

Пойтахтимизнинг «Ипотека банк» АТИБ Юнусобод филиали ҳам ана шундай банклар сирасига киради. Мазкур банкнинг жорий йил биринчи чорагидаги фаолиятига назар соладиган бўлсак, биргина кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори белгиланган режага нисбатан 181,5 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар кўрсаткичи эса 183,6 фоизга кўтарилган.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ажратилаётган кредитларнинг барчаси жойларда тадбиркорлик соҳасининг янада ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилишига ва бозорларимиз тўкин-сочинлигига хизмат қилмоқда. Буни банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга оид қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдорида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга 31 миллион сўмдан зиёд кредит йўналтирилганлиги кишини қувонтиради.

— Белгиланган режага кўра, йил якунига қадар бу кўрсаткични янада ошириш кўзда тутилган, — дейди биз билан суҳбатда банк бошқаруви раиси вазифасини бажарувчиси Беҳзод Амонов. — Қайд этишимиз зарурки, биз ўз фаолиятимиз давомида биргина тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган кредитлар ажратиш билан чекланиб қолганимиз йўқ. Жумладан, ёш оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида уларга 297,5 миллион сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Мижозлар мурожаатидан келиб чиқиб, йил охирига қадар бу кўрсаткични янада ошириш кўзда тутилган.

Қайд этиш зарурки, банк жамоаси кейинги пайтда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаётир.

Жумладан, жойларда ўрнатилган терминал, банкомат ва инфокиосклар сони йил бошида 649 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда 760 тадан ошиб кетди. Бу эса аҳолига коммунал тўловлар, маиший хизмат ва савдо тизимларида накд пулсиз операцияларни ҳеч бир муаммосиз амалга ошириш имкониятини беради. Банк қошида мижозлар учун махсус «Маслаҳат маркази» ташкил этилганлиги боис, бу ерга омонат қўювчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, йил бошидан аҳолининг омонатлар миқдори 8 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, айни пайтда ушбу кўрсаткич 10 миллиард сўмдан ошди. Бу — аҳолининг мазкур банкка нисбатан ишончи мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолатдир. Эришилаётган ютуқлар банк жамоасини янги мақсадлар сари интилишга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ундамоқда.

Ўз мухбиримиз

ТИББИЁТ

Жамият равнақи ва баркамол авлод келажаги, аввало, мустаҳкам саломатлик билан белгиланади. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан фуқаролар соғлиғини мустаҳкам муҳофаза этиш, жисмонан ҳамда руҳан шаклланган авлодни улғайтириш масаласи устувор вазифалардан бирига айланди.

Соғлом авлод заргари



... Ҳазорасп тумани Янгибозор қишлоғида яшовчи нафақахўр Абдираим Маҳмудов ярим тунда ўзини беҳол сеза бошлади, юраги безовталаниб, тез-тез қайт қилди. Туман марказий шифохонасига қўнғироқ қилишиб, аҳволни тушунтиришди. Хонадон аҳлини ҳайратлантиргани шу бўлдики, «Тез тиббий ёрдам» машинаси отахонни марказий шифохонага эмас, балки ўз қишлоқларидаги врачлик пунктига олиб келди. Ҳали тонг отмаган бўлса-да, ўн нафардан зиёд шифокор ва ҳамширалар хасталикка ташхис қўйишга шай туришарди. Орадан ҳеч вақт ўтмади: мутахассислар беморни замонавий асбоб-ускуналар орқали текшириб кўриб, нотўғри овқатланиш оқибатида захарланиш юз берганини айтишди ва тезда муолажага киришишди. Эрталабга бориб ҳеч нарса кўрмагандек уйига қайтаркан, саксон ёшли отахон:

— Офарин, бунақа тезкорлигу қишлоғимизнинг ўзида шундай замонавий шифо маскани бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, — деди беихтиёр кўзи ёшланиб.

Бунинг сабаби ҳам тезда маълум бўлди. Абдираим бобонинг айтишича, бир куни кечқурун ишдан қайтиб келса, аёли иситмалаб ётган экан. Шоша-пиша қўшнисининг машинасида туман марказидаги шифохонага олиб боришгунча унинг аҳволи янада оғирлашибди. Вазият тақазоси билан тумандагилар уни вилоят шифохонасига жўнатишади. Бироқ ярим йўлда энди 50 ёшга тўлган аёл вафот этади. Ўтмиш хотираларини эсларкан, отахон армон билан шундай деди:

— Ўша даврларда бугунгидай шароит бўлганда, аёлим бунчалар барвақт дунёдан ўтиб кетмасмиди?!

Кўпни кўрган отахоннинг айтганича бор: биргина Ҳазорасп туманида кенг тармоқли марказий шифохона, болалар поликлиникаси, скрининг маркази қаторида 15 та қишлоқ врачлик пункти қайта қурилиб, улар малакали шифокору ҳамширалар, энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. Янгибозор қишлоғидаги врачлик пункти ҳам ана шулардан бири.

Мазкур врачлик пунктида айни пайтда ўн беш нафардан зиёд малакали шифокор саккиз мингдан зиёд аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Шифокорларнинг фуқаролар ўртасида тиббий маданиятни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида бир қанча мавсумий хасталиклар, шу жумладан, гипотетнинг оғир тури, сил, ички касалликлар сезиларли даражада камайди. Бунда «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида туғиш ёшидаги аёлларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш, икки ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўсмирларнинг саломатлигини доимий назоратга олиш йўли билан эришилмоқда.

Мана, олти йилдирки, керакли малҳамни қидириб, беморлар узоққа бормай қўйишди. Вилоят «Дори-дармон» очиқ акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда врачлик пункти таркибида етарлича дори-дармонлар тайёрланаяпти. Муҳими, беморлар ўзига керакли воситаларни қидириб вақтини кетказишмайди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Бибиробия Қўчқоровани таъкидлашича, мавжуд 15 та қишлоқ врачлик пунктида аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида, аввало, шифокорлар ва ҳамширалар малакасини юксак даражага кўтаришга эътибор қаратилди. Ҳар йили Тошкент шаҳри ва ривожланган давлатларда ходимлар малака ошириб, тиббиёт соҳасидаги янгиликларни амалиётда қўллашаяпти. Бундан ташқари, қишлоқ ва маҳаллаларга тиббий хизмат ходими биркитилган. Улар ҳар бир кишининг саломатлигини ойма-ой таҳлил қилиб боришади. Ишнинг бундай йўналишда ташкиллаштирилгани касалликларни ўз ўрнида ва вақтида даволашдан ташқари, турли хасталикларнинг келиб чиқишига ҳам барҳам бермоқда.

Янгибозор қишлоқ врачлик пунктида ҳам ана шу жиҳатлар кенг такомиллашгани боис, кейинги уч йилда оналар ва болалар ўртасида ўлим содир этилмади. Айрим юқумли касалликлар батамом барҳам топди.

— Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб келамиз. Байрамларда моддий ёрдамлар берилиб, уларнинг фарзандлари учун совға-саломлар ташкиллаштирамиз, — дейди Янгибозор қишлоқ врачлик пункти касаба уюшма қўмитаси раиси Нуржон Ражабова. — Ҳар йили беш-олти нафар ходимимизни санаторийларга йўлланма билан таъминлаяпмиз.

Дарвоқе, шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз: қишлоқ врачлик пункти қошида соғломлаштириш мажмуаси ва спорт майдончаси ташкил этилгани ҳам қишлоқ аҳли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашаётир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, журналист.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Сурхондарё вилоят Солиқ бошқармасининг 2013 йил 29 мартдаги 124-сонли буйруғи ва Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси Музработ туман солиқ инспекциясининг 2013 йил 30 апрелдаги 35-сонли буйруғига асосан Музработ туман солиқ инспекцияси балансида бўлган, Музработ туман солиқ инспекцияси гаражида сақланаётган, НЕКСИЯ русумли, д/р 75/ 408 ААА бўлган, 1996 й и/ч, носоз ҳолатдаги автомашина. **Б/б 11 750 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 21 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 июн куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 21 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 26 июн.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда;

1. «Навоий нефт базаси» УКнинг 15.05.2013 йилдаги 10/831-сонли хатига асосан, Хатирчи туман П.Шоир қ.ф.й. ҳудудида сақланаётган «Лада-21154-110-20» русумли, 2007 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 625 FAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 274 105 сўм.**

2. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нурота туман бўлинмаси бошқарувининг 13.03.2013 йилдаги 37-сонли хатига асосан, Нурота туман Саиджон Эшон қишлоғида сақланаётган, «ВАЗ-2107» русумли, 1996 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 21 АЕ 115 бўлган техник носоз автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 266 670 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 24 июн куни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 21 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 24 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 28 июн куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 26 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.


Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий ф-лидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. www.rmm.uz Гувоҳнома: 1605

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 227-таянч таълим мактаби томонидан **Курамбоева Севара Мирсабитовна**га 1981 йил 27 июлда берилган **№236851** рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**.

ООО «TRIUMPH ORIENTIR» Мирзо Улугбекского района г.Ташкента,
ИНН: 207100427
СООБЩАЕТ
об уменьшении уставного фонда с 114.000.000 сумов до 55.032.811 сум.
Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Э.Мараимова, 58.

Ishonch
2013-yil 21-may № 62 (3255)



Шашт ҳам, жозиба ҳам бор

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Дил сўзлари

Ирина Швенская (Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси):

— Кураш мамлакатингизда кўп минг йиллик тарихга эга азалий қадриятлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда курашга бўлган қизиқиш нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ортгандан-ортиб, мухлислари олқишига сазовор бўлмоқда. XI мартa ўтказилаётган мазкур нуфузли турнир бунга яққол мисолдир. Кураш шу зайлда ривожланиб борар экан, тез орада Халқаро Олимпия ўйинларига киритилишига ишонаман.

Чо Ҳеунг Кеун (Жанубий Корея, Инчеон — 2013 Осиё ўйинлари ташкилий қўмита аъзоси):

— Мамлакатингизга илк маротаба келишим. Аввало, шуни таъкидлаб ўтишни хоҳлардимки, халқингизнинг самимий ва меҳмондўстлиги ҳайратимни оширди.

Хабарингиз бор, 2013 йилда Кореяда ташкил этилаётган Осиё ўйинларига кураш ҳам киритилган. Бу юксак эътироф белгисидир.

Рави Капур (Ҳиндистон, кураш мураббийи):

— 10 йилдан буён кураш бўйича мураббий сифатида фаолият юритаман. Хиндистонда ҳам 20 мингдан ортиқ йигит-қиз кураш билан мунтазам шуғулланади. Мазкур турнирга тўхталадиган бўлсам, ҳамма нарса ажойиб ташкил қилинган. Мусобақанинг савияси ва кўламига ҳам таъриф йўқ. Турнир дунё халқларини дўстона муносабат ва ҳамжиҳатликка чорлашига ишонаман.

Муҳташам «Сурхон» спорт мажмуаси олдида турнир ҳақида баҳс олиб бораётган бир неча отахон бизнинг эътиборимизни тортди. **Улардан бири 89 ёшли Суюн бобо Каримовни суҳбатга чорладик:**

— Эрта тонгдан халқаро турнирни зўр қизиқиш билан кузатяпман. Шукрки, тўй ва халқ сайлларигагина кўрк берган курашимиз мустақиллик туфайли халқаро мақомга эга бўлди.

Конголик полвон Патана-Гаудард:

— Мен, аввало, юртингизга келганимдан жуда ҳам хурсандман. Кўриб турибмизки, кураш йилдан йилга ривожланиб боряпти. Шу сабаб мен курашни танлаб, тўғри қилганимга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Фикримча, бир кун келиб кураш спорти Олимпия ўйинлари сирасига киритилади.

Алекс Бесшоп (Янги Зеландия):

— Курашни ўзбек халқининг маданиятига айланган десак, муболаға бўлмайди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам курашга бўлган эътибор жуда юқори даражада. Ҳаттоки, аёллар ҳам кураш билан шуғулланишяпти.

Нолте Петрус (Жанубий Африка):

— Юртингиздаги спортга бўлган эътибор таҳсинга лойиқ. Ўзбек ёшларининг жаҳон майдонларида катта ютуқларга эришаётгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Турнир халқлар ва мамлакатларни бирлаштирган нуфузли ҳамда жозибали спорт мусобақаси сифатида ёдда қоладиган бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири.
Мақолани тайёрлашда uz.at-termiziy.uz сайти материалларидан фойдаланилди

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Муаллим, ҳунарманд, тилмоч

Юлдуз Мамадиёрова француз тили ўқитувчиси. У Шаҳрисабз туманидаги 26-умумтаълим мактабида ёшларга сабоқ берар экан, изланувчанлиги, талабчанлиги билан тилга тушди. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши, қолаверса, момолардан мерос қадрият — каштачиликдан яхшигина хабардорлиги уни 1998 йилда «Тадбиркор аёл» уюшмасига аъзо бўлишга ундади.

1999 йилда Сурхон ва Қашқа воҳаси хорижий тил ўқитувчиларининг минтақавий семинарида Ю.Мамадиёрова тажрибалари билан ўртоқлашди. Муаллиманинг ўз фикрини равон ва чуқур етказиб бера олиши семинар ташкилотчиларининг эътиборини тортди. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси мутасаддилари назарига тушган Юлдузхон бир ой Монпелье шаҳрида малака ошириб қайтди.

2003 йилда хорижий тилларни ўргатувчи «Этуал» ўқув марказини очди ва асосан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандларига тил ўргатиш ишларини бошлаб юборди. Ўз навбатида, марказ қошида «Шаҳрисабз ироқи каштачилиги» гуруҳини ташкил этди. Шаҳрисабзда Юлдузхоннинг кашталари, дўппи-ю, сўзаналари сайёҳларнинг эътиборини тортди. Сабаби — у маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратар, устозлари Адолат опа Турсунова (раҳматли), Зулайҳо момонинг ўгитларига амал қилар эди. Ироқи каштачилик сирларини чуқур ўрганиб, янгича нақшлар жилосини яратарди.

Изланувчан Юлдузхон кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича АҚШ грантини қўлга киритди ва океан ортида ҳам бир ой давомида тадбиркорлик бўйича таҳсил олди. Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларида моҳир усталардан билмаганларини ўзлаштирди.

У Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари «IJOD» уюшмаси аъзоси бўлиб, ҳар йили ўтказиб келинаётган «Базар-Арт» кўргазмаларида мунтазам иштирок этади.

Бундан ташқари, Шаҳрисабзга келган сайёҳларга таржимонлик қиларди, шаҳри Кешнинг бой тарихи, соҳибқирон Амир Темурнинг қудратли давлат қуриш йўлидаги одилона сиёсати, маҳаллий урф-одатлар ҳақида батафсил ва тўлақонли гапириб беради.

Ҳунармандлар гуруҳининг фаолияти доираси кенгайиб, ишчилар сони ҳам муттасил ошиб борди. Шу тариқа «Шаҳрисабз ироқи каштачилиги» масъулияти чекланган жамиятига айланди.

— Бугунги кунда тўртта цехимиз ишлаб турибди, — дейди МЧЖ раиси Юлдуз Мамадиёрова. — Каштачиликдан ташқари, попопчилик, гиламдўзлик, тикувчилик цехларимиз бор. Бозор талабини ўрганиб чиққан ҳолда олтмишдан ортиқ маҳсулот турлари тайёрланмоқда.

Юртбошимиз томонидан тадбиркорларга, ҳунармандларга катта имтиёзлар берилган. Масалан, ҳунармандлар 2014 йилгача солиқдан озод этилган. Фермер ва тадбиркорлар «Ташаббус» кўрик-танлови орқали муносиб тақдирланмоқда. Дунёнинг бир неча давлатида бўлганман, аммо ҳеч қаерда ҳунармандларга биздагидек ғамхўрлик кўрсатилмайди. Бунинг қадрига етишимиз керак.

Айни пайтда «Ҳунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз туман бўлими раиси сифатида ҳам фаолият олиб боряпман. Туманимизда 60 дан ортиқ ҳунармандчилик тури мавжуд бўлиб, уларнинг йигирмадан ошиғи яхши ривожланган. Биз барча ҳунармандларни сафимизга жалб этиб, йўқолиб бораётган турларни тиклаш, тараққий эттиришни мақсад қилганмиз. Чунки ҳунармандчилик янги иш ўринлари, турмуш фаровонлиги, ҳалол ризқ-рўз деганидир.



Аёлларимиз уйидан ажралмаган ҳолда ишлаб, пул топишмоқда...

Биз Ю.Мамадиёрованинг келгусидаги режалари билан қизиқамиз.

Шаҳрисабз ироқи каштачилиги дунёга танилган, — дейди суҳбатдошимиз. Энди навбат гиламчиликка. Бухоро, Самарқанд, Хива гиламларига рақобатбардош гиламларни яратишимиз лозим.

Биласиз, туризм — жуда сердаромад соҳа. Соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган Шаҳрисабз дунё сайёҳлари эътиборида. Яқин келажакда сайёҳларга хизмат қиладиган кафе очиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Юлдуз опанинг тўрт нафар фарзанди бор. Қизи Лола онаси каби ҳунарманд. Зарина шифокорликка қизиқади. Дилшод иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқиса, Забона онаси каби таржимон бўлмоқчи.

К. БОЙМУРОДОВА,
А. АБДИЕВ



Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида Фарғона вилоятида кутубхоналар фаолияти изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.

Қувасой шаҳар 2-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази энг илғор ахборот технологиялари билан жиҳозланган, уч мингдан ортиқ китоб фондига эга.

Марказ ўқув залига замонавий компютерларнинг ўрнатилиши мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, китобхонлар учун катта қулайлик яратди. Марказ фонди электрон адабиётлар ресурси билан бойитилмоқда ва унинг хизматидан фойдаланаётган илмга чанқоқ ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Ахборот-ресурс маркази ходимлари ҳудуддаги болалар боғчаларида, маҳалла фуқаролар йиғини ва ёзги оромгоҳларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётир.

Суратда: ахборот-ресурс маркази ходими Муҳайё Нажмиддинова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ГЕРОНТОЛОГИЯ

Кекса ёшдаги инсонларни соғломлаштириш ва уларнинг узоқ умр кўришига кўмаклашиш борасида нафақат тиббиёт соҳасида, балки давлат ижтимоий дастурлари орқали ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хоразм Маъмун академияси томонидан Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ва Ибн Сино жамоат фонди билан ҳамкорликда «Алломалар фалсафаси, Хоразм Маъмун академияси ва замонавий геронтология» мавзусида ўтказилган илмий семинар шу мақсадга хизмат қилди.

Касалликдан холи кексалик

Семинарда Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси геронтология ва гериатрия бўлими, Ибн Сино жамоат фонди, Урганч ва Қарши давлат университетлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент фармацевтика институти, ЎзФА Кимё фармацевтика илмий текшириш институти, Хоразм Маъмун академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ходимлари қатнашдилар. Мутахассис олимлар кекса одамларда соғлом турмуш тарзи хусусиятлари ва уларни амалга ошириш услублари, шунингдек, кексайганда кўп учрайдиган хасталиклар, жумладан, юрак ишемик касалликлари, инсулт, қандли диабет, артроз ва бошқаларни самарали даволаш усуллари ҳақида маърузалар қилишди. Шунингдек, умрни узайтирувчи ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларини қўллаш борасида фикрлар билдирилди.



— Буюк алломаларимиз асарларида қариган чоғда ҳам бардам ва тетик бўлиш, умрни узайтириш каби масалалар кенг ёритилган, — деди Ибн Сино жамоатчилик фонди раиси, профессор Шерзод Зокирхўжаев. — Ҳозирги вақтда фан сифатида шаклланган геронтология соҳаси кекса ёшдаги одамларнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўриши муаммолари, гериатрия эса уларда кечувчи касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва даволаш усуллари билан шуғулланади. Бу соҳанинг долзарб муаммолари кўп ва бу борада олимлар, шифокорлар илмий-амалий ишларни амалга оширмоқдалар.

Семинар якунида геронтология ва гериатрия соҳасидаги илмий янгиликларни кўпроқ амалиётда қўллаш ва бу соҳада янада кенг доирада анжуманлар ўтказиш лозимлиги ҳақида бир хулосага келинди.

Ўз мухбиримиз

ТАРБИЯ

Инсон нутқи умри давомида шаклланади. Ҳеч бир бола нотиқ бўлиб туғилмайди. Сўзларни аниқлик билан тузиш, уни тўғри ва чиройли талаффуз қилиш, она тилимизнинг бой имкониятидан фойдаланиб фикрини таъсирчан, равон етказиш чинакам маҳоратдир. Психолог М. Иванов болада нутқнинг ривожланиши 1 ёшдан 7 ёшгача давом этади деб таъкидлайди. Бунда ҳар бир босқичнинг ўзига яраша ютуғи мавжуд.

Бола нутқи чиройли бўлса

Жумладан, бола 1 ёшда 10 тага яқин сўзни билади. Оддий талабларни тушуниб, таниш сўзларни расмда кўрсата олади. 2 ёшда тана аъзоларининг бир қанча номларини билади. 3 ёшда унинг сўз бойлиги 250-700 га, 4 ёшда эса 1500-2000 га етади. «Болаларча» товушларни юмшатиб талаффуз қилиши йўқолади. 5 ёшда боланинг сўз бойлиги 2500-3000 га етади. Барча ҳарфларни бемалол айтади. Қийин ибораларни қўллаб, ўз фикрини, истагини ифодалайди. Сўздаги товушлар тартибини алмаштирмай гапиради. 7 ёшга келиб боланинг сўз захираси 3500 га етади. Болада тилга эътибор ошади. Атроф-муҳитни сўз билан баҳолай олиш қобилияти шаклланади. У психологик жиҳатдан мактабга боришга тайёр бўлади. Ўзини мустақил тутишга ҳаракат қилади.

Айрим ғарб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, серфарзанд оилаларда туғилган болаларнинг аксариятида нутқнинг яхши ривожланмаслик, мулоқотга киришувчанлик қобилияти суст бўлиши кузатилган. Кўп болали оилаларда чақалоқнинг дунёга келиши оиланинг структураси ва оила аъзолари аро муносабатларни ўзгартириб юборади. Болаларнинг ота-онаси билан мулоқоти камаяди. Бундай ҳолат, айниқса, бола нутқининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бола ўзини эркин ҳис қилиши учун ота-она у билан доимий мулоқотда бўлиши керак. Айрим болалар мулоқотга киришишдан чўчийди. Атрофдагилардан ўзини олиб қочади. Бунга қатор сабаблар бўлиши мумкин. Масалан, кучли руҳий зарба, боланинг оиладан ажралиши, ёмон оила, атроф-муҳитнинг салбий таъсири. Боланинг мулоқотга кириша олмай ўз қобиғига ўралиб қолишига аутизм деб аталувчи хасталик ҳам сабаб бўлади. Бундай болалар қўрқув ҳолатида туради. Аутизмга мойил болалар жисмонан битта ҳаракатни қайтариб юришни маъқул кўрадилар. Айримларида агрессия кузатилса, бошқалари эса, аксинча, жудаям пассивлиги, бефарқлиги билан ажралиб туради. Боласида аутизм касаллиги борлигини сезмаган ота-оналар уни хархаша қилишда, шўхликда айблаб руҳиятига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Бола нутқини ривожлантириш учун руҳшунослар томонидан у билан тарбия фаол ўйинлар ўйнаш тавсия этилган. Маълум бўлишича, бола нутқи бармоқларнинг ҳаракатлари қандай ривожланганига боғлиқ бўлади. Шу сабаб унинг кафти ва бармоқлари ҳаракатчанлигини ошириш учун бола қўлини 6 ойликдан уқалаш машқларини бажариш керак. 10 ойлигидан эса бармоқларда фаол машқларни бажартиришга ўтиш мумкин.

«Бармоқли театр» усулида бола кафтида бирор эртак қаҳрамонларини гавдалантириш мумкин. Онанинг вазифаси қаҳрамонларга овоз бериш, ўйинни янада қизиқарли қилишдан иборат. Болакай эса ўз овози билан қўшилиб севимли қаҳрамонларига жўр бўлади. Ёки турли хил жониворларга тақлид қилувчи овоз чиқаради.

2-3 ёшли болалар билан «Сўзни якунла» ўйинини қўллаш мумкин. Унда болага таниш эртакни айтиш мобайнида бирор хатога атайлаб йўл қўйиш керак. Болашасини ҳам уюштириш мумкин. Бошида қўғирчоқ театрини ота-она ўйнаши, бола воқеалар ривожига қизиққанидан сўнг барча вазифани унинг ўзига топшириш мумкин. Муҳими, ота-она фарзандининг томошасини ҳаяжон ва эътибор билан тинглаши лозим. Кейинги босқичларда эртакларни бола билан биргаликда мутолаа қилиб, кейин уни саҳнага олиб чиқиш мумкин. Бу бола нутқини ошириб, уни ўзаро ҳамкорликда ишлаш усулларига ўргатади.

Боланинг нутқи қанча равон, чиройли бўлиши ота-онага боғлиқ. Улар фарзандининг мустақил, эркин фикрини эшитиб, унга эътибор ва рағбат кўрсата олиши талаб этилади. Ҳеч қачон болага зўрлик ўтказиб бирор машғулотга қизиқтириб бўлмайди. Аксинча, уни рағбатлантириб туриш ижобий натижа беради. Нима бўлганда ҳам, ота-она фарзандини тинглаши, воқеа-ҳодисаларга муносабатини сўраб туриши керак. Токи бола нутқи ривожланишига қулай шароит яратилсин.

Одина ҚУЛМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 511 | 19759 nusxada bosildi | 1 3 4 5